

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РОССИЯ АСТРАХАНЬ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕРМАНИЯ ВАЙНШТЕФАН УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛАЙЗИЯ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



 **WEIHENSTEPHAN · TRIESDORF**
University of Applied Sciences

*Таниқли олим, профессор, иқтисодиёт фанлари доктори, АҚШ Нью-Йорк
Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси, минтақавий иқтисодиёт соҳасида
халқаро эксперт Бахтияр Рузметов таваллудининг 70 йиллигига
бағишланади*

**“МИНТАҚАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

**“ПРИОРИТЕТЫ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА И
ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ”**

**“PRIORITIES FOR THE INTEGRATED DEVELOPMENT OF THE
REGION AND FORMATION OF INNOVATIVE ECONOMY”**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ (2020 йил 25 сентябрь)

УРГАНЧ - 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**«МИНТАҚАНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН
ИҚТИСОДИЁТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ»**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

**Конференция тўплами “ ПЗ-201709202 – Хоразм вилояти ва
Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали
фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб
чиқиш” мавзусидаги амалий давлат грантлари иш режаси
асосида тайёрланди
(2020 йил 25 сентябрь)**

91.	Хазраткулова Л.Н. Эконометрическое моделирование социально-экономического развития регионов Узбекистана	364
92.	Абдуллаева Х. Эконометрик модел асосида хорижий туристлар миқдорини моделлаш	368
93.	Джураев А. Иқтисодий ўсишни кўп омилли моделлар асосида прогнозлаш	372

Результаты, полученные с помощью прогнозной модели панельных данных, показали, что с вероятностью 91 процент среднедушевые бюджетные доходы Наманганской области к 2023 г. едва достигнут 1,5 млн. сум., что усугубит отставание области от более развитых территориальных образований. Это, в свою очередь, требует реализации стратегических мер по преодолению дифференциации социально-экономического развития в регионах страны. Целям формирования на территории государства единого экономического пространства, сглаживания диспропорций и асимметрии социально-экономического развития регионов и служит фискальная политика, одним из важных направлений которой должно выступать формирование эффективной системы межбюджетных отношений. Построенная эконометрическая модель показала, что для этого требуется:

1. Формирование механизмов, способствующих повышению стратегической конкурентоспособности регионов, созданию условий для нового качественного промышленного роста в административно-территориальных образованиях.

2. Повышение конкурентоспособности, инвестиционного и экспортного потенциала отраслей сельского хозяйства. Это возможно за счет дополнительного привлечения инвестиций, повышения урожайности сельхозпродукции, эффективности использования бюджетных средств для финансирования сельского хозяйства, максимального использования возможностей экспорта сельхозпродуктов.

3. Повышение устойчивости и самостоятельности местных бюджетов, для чего необходимо стимулировать наращивание собственных доходов, не делая основную ставку на межбюджетные трансферты.

Таким образом, не перестает быть ключевым вопрос совершенствования механизма стимулирования экономического развития регионов, для этого важно, чтобы регионы переключились с пассивной стратегии на стратегию развития. Необходимо внести изменения в существующий механизм распределения финансовой помощи, определить практическую важность оценки эффективности использования местными бюджетами средств из вышестоящих бюджетов, полученных в виде финансовой помощи. Формирование эффективной системы межбюджетных отношений в конечном итоге позволит повысить эффективность бюджетной системы в целом.

Ҳилола Абдуллаева, БухДУ магистратура талабаси

Эконометрик модел асосида хорижий туристлар миқдорини моделлаш

Туризм деганда жисмоний шахсининг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, узоғи билан бир йил муддатда саёхат қилиши тушунилади.

Мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар товарларни харид қилиши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, турли хизматлардан баҳраманд бўлиши

ҳудуддаги ишлаб чиқарувчилар фаолиятига рағбат бўлиб ҳисобланади.

Туризмнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, табиий таъсирларининг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда туризмнинг янада тараққий қилишига, соҳанинг миллий иқтисодиётда эгаллаган даражасини оширишга ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли ҳамда 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари туризмни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига туризмнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ижобий таъсир қилди.

Сўнгги йилларда туризм соҳасида қонунчилик базасини, транспорт, меҳмонхона, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш, кўнгил очар масканлар, тарихий обидалар ва маданий меърос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, виза олиш тартибини соддалаштириш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик инфратузилмаси объектларини барпо этиш ишлари жадал бормоқда.

Туризм соҳасини ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш, соҳа ривожига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиш ҳамда соҳанинг яқин келажақда ривожланишини прогнозлаш долзарб масала бўлиб, ишда вақтли қаторлар асосида мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар миқдорини моделлаш ва прогнозлаш масаласи ўрганилган.

Туризм соҳасида иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган бўлиб, бу жараён ҳозирги вақтда ҳам долзарб масала сифатида давом этмоқда.

Ўзбекистон бўйича 2005-2016 йиллар оралиғида ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2,6 мартага, туристик фирма ва ташкилотлар 1,7 мартага, меҳмонхоналар миқдори 3,1 мартага ва меҳмонхоналардаги ўринлар миқдори 2,2 мартага ошган.

Сўнгги 12 йил мобайнида ташриф буюрадиган сайёҳлар сони ортиб бориши билан уларга хизмат кўрсатадиган туристик фирма ва ташкилотларнинг ўзгариши юқори даражада эмас. Ушбу даврда меҳмонхоналар сони 3,1 мартага, улардаги ўринлар сони 2,2 мартага ошганлиги, сўнгги йилларда кам ўринли кичик меҳмонхоналар кўплаб ташкил қилинганлигини билдиради.

Бизнинг мисолимизда, кузатувлар сони ўрганилаётган даврга, яъни 12 га тенг бўлиб, экспоненциал текислаш параметри $\alpha=0,15$ га тенг бўлмоқда.

Жорий ва ўтган давр маълумотларини иккита вариантда қабул қилган ҳолда, 2017-2021 йиллар прогноз маълумотини ишлаб чиқдик.

Биринчи вариантда прогноз миқдор қуйидагича ҳисобланди:

$$y_{n+1} = y_n * 0,15 + (1 - 0,15) * y_{n-1} \quad (1);$$

Иккинчи вариантда прогноз миқдор қуйидагича ҳисобланди:

$$y_{n+1} = \frac{y_n + y_{n-1}}{2} * 0,15 + (1 - 0,15) * \frac{y_{n-1} + y_{n-2}}{2} \quad (2);$$

Ҳосил бўлган иккала вақтли қаторда ҳам экспоненциал текислаш параметри (α) 0 га яқин, яъни $\alpha=0,15$ бўлганлиги сабабли, прогноз миқдорларга ўтган давр кўрсаткичи юқори таъсир қилган. 1-вариантдаги вақтли қаторларда “қавариклар”, кескин пасайиш ва юксалиш кўзга ташланади, 2-вариантдаги вақтли қаторда бундай ҳолатлар ўртача миқдорлар таъсирида силлиқлашиб, сирғанчиқ қатор юзага келган.

Бизнинг мисолимизда нисбий хатолик 10-20 оралиқда бўлиб прогноз аниқлиги яхши эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, 1-вариант ҳақиқий ҳолатга яқин кўрсаткичларга эга эканлигидан, 2-вариантга нисбатан аниқлиги юқорироқ бўлган.

Бу усулдан жуда қисқа давр прогнозидан фойдаланилади. Масалан, бизнинг мисолимизда кейинги беш йил учун прогноз тузилган бўлиб, 1-вариантдаги вақтли қаторда “қаварик” миқдорлар мавжудлиги сабабли, прогноз қилинган вақтли қаторнинг кейинги давр миқдорлари бир хил 1426,8 минг киши, 2-вариантдаги сирғанчиқ вақтли қаторлар ҳисобига 2034 йилдан сўнгги прогноз вақтли қаторлардаги миқдорлар бир хил 1413,5 минг кишига тенг бўлмоқда.

Натижада, қуйидаги регрессия тенгламасига эга бўлдик:

$$\hat{Y}_x = 486,71 + 81,693t \quad (3);$$

Ишлаб чиқилган регрессия тенгламаси асосидаги моделнинг сифати, мазмуни ва аниқлиги таҳлил қилинди (3-жадвал).

Бизнинг мисолимизда, ташриф буюрганлар йиғиндиси $\sum_{i=1}^n Y = \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x = 12212,6$ минг киши ва ўртача миқдор $\bar{Y} = \bar{\hat{Y}}_x = 1017,7$ минг киши бўлиши, бу эса моделнинг дастлабки шарти бажарилганлигини аниқлатади.

8-формула асосида ҳисобланадиган детерминация коэффициентининг бизнинг бизнинг мисолимизда 0,98 га тенг бўлиши ($R^2 = \frac{954345,9}{973484,2} = 0,98$) хорижий сайёҳлар келиши вақтга боғлиқлиги жуда кучли эканлигини ва вақт бўйича тузилаётган модел ўринли эканлигини аниқлатади.

Фишернинг F-меъзони 1-жадвал маълумотлари ва 9-формула асосида қуйидагича ҳисобланди:

$$F = \frac{954345,9 * (12 - 1 - 1)}{19138,3 * 1} = \frac{9543459}{19138,3} = 498,66 \quad (4);$$

Аниқланган миқдор $m=1$, $n=12$, $\alpha=0,05$ вазият учун жадвалда кўрсатилган Фишернинг назарий F-меъзони 4,75 миқдоридан анча

юқорилиги модел статистик мазмунга эга эканлигини билдиради.

10-формула асосида регрессия a_0 параметри статистик мазмуни кўйидагича ҳисобланди:

$$t_{a_0} = \frac{486,71}{\sqrt{11,15}} = \frac{486,71}{3,34} = 42,82 \quad (5);$$

$$S_{a_0}^2 = \frac{19138,3/12}{143} = \frac{1594,9}{143} = 11,15 \quad (6);$$

t ҳақиқий меъзони 42,82 жадвалдаги $n-12$ ва $\alpha=0,05$ ҳолатдаги талаб қилинадиган t назарий меъзони 2,179 дан юқорилигидан a_0 параметр статистик мазмунга эга.

Модел аниқлигини аппроксимация ўртача нисбий хатоси формуласи (12-формула) ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\delta = \frac{1}{12} \times 41,4 = 3,45 \% < 10,0 \% \quad (6);$$

Аппроксимация ўртача нисбий хатоси 10,0 фоиздан кам, 3,45 фоизга тенглиги моделнинг аниқлиги жуда юқорилигини кўрсатади.

Вақтли қатор элементлари ўртасида автокорреляция мавжуд эмаслигини Дарбин-Уотсон меъзони (d) бўйича таҳлил қилишда кузатувлар сони 12 га, омил 1 га тенг ҳолатда жадвалда $d_{\text{паст}}=0,97$; $d_{\text{юқори}}=1,33$ сифатида белгиланганлигини инобатга олиб, 13-формула ва 4-жадвалдаги Дарбин-Уотсон меъзонига тегишли маълумотлар асосида ҳисобладик.

$$d_{\text{ҳақ}} = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{i=1}^n e_t^2} = \frac{35031,1}{19138,3} = 1,83 \quad (7);$$

$d_{\text{ҳақ}}$ нинг $d_{\text{юқори}}$ ва 2,0 оралиғида жойлашуви, яъни $1,33 < 1,83 < 2,0$ ҳолат вақтли қаторлар қийматларида автокорреляциянинг йўқлиги моделлаштириш ва прогнозлаш тўғри бораётганидан дарак беради.

Моделнинг ишончлиги аниқлангандан сўнг, талаблар асосида келгуси йиллар прогнози асослигини текширамиз:

$$S_{yx}^2 = s_e^2 \left(\frac{1}{n} + \frac{(t_{n+1} - \bar{t})^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} \right) = \frac{19138,3}{12} \left(\frac{1}{12} + \frac{(13-6,5)^2}{143} \right) = 604,1 \quad (8);$$

$$1513,1 - 2,179 * \sqrt{604,1} \leq 1548,72 \leq 1513,1 + 2,179 * \sqrt{604,1} \quad (9);$$
$$1459,5 \leq 1548,72 \leq 1566,6$$

Биз ишлаб чиққан модел бўйича 2017 йил прогноз маълумоти 1548,72 минг киши бўлиб, бу прогноз маълумоти талабга жавоб берганлигини инобатга олиб, 2023 йилгача бўлган прогнозни тайёрладик.

Прогноз маълумотлари 2017-2023 йиллар оралиғида ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори барқарор кўпайиб бориб, прогноз қилинган даврда мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристлар миқдори 1,6 мартага кўпайиши кутилмоқда.

Жаҳон миқёсида хорижий туристларнинг миқдори ошиб, туризм манзили ўзгариб бораётган ҳозирги вақтда мамлакатимизга хорижий туристларнинг ташрифи барқарор ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Хорижий туристлар ташрифнинг 2021 йилгача прогнозини экспоненциал текислаш усули ёрдамида ва 2023 йилгача бўлган прогнози тўғри чизиқли тренд тенграмаси бўйича ишлаб чиқилди. Прогноз

маълумотлари мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар миқдорининг барқарор ўсиб бориши ва прогноз даврида бу кўрсаткич 1,6 баробарга кўпайишини билдирмоқда.

Туристлик фирмалар фаолияти ташриф буюрадиган туристлар миқдорига таъсири кучсиз бўлиб, бу ҳолат туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини кейинги тадқиқотларда чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида саргузашт туризмнинг кескин ошиб бориши, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида хорижий туристлар ташрифининг давомийлиги, туризм бозорининг ҳар бир сегментини жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизга ташриф буюраётган ёши кекса туристлар қисқа муддатда тарихий обидаларни томошаси, ташриф буюраётган мусулмон туристлар зиёрат, олимлар фақат анжуман фаолияти билан чекланиб қолишини олдини олиш, уларни мамлакатимизда узоқроқ муддат саёҳат қилишларига ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса туризм бозоридаги ҳар бир сегментга мос, турфа хил турпакетларни ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш чора-тадбирларини қисқа муддатда ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Хорижий туристлар миқдорини ошириш билан бир вақтда, мамлакатимизда саёҳат қилиш давомийлигини ошириш, туризмдаги мавсумийликни таҳлил қилиш ва унинг таъсирини камайтириш, туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, туризм ёрдамида пул тушумини ҳали фойдаланилмаган янги манбаларини излаб топиш долзарб масала бўлиб, бу масалалар туризм соҳасида илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини аниқлатади.

Биз маълумотлар асосида ишлаб чиққан модел кейинги йилларда туристлар миқдори ошишини аниқлесада, 2020 йилда бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир қилган коронавирус касаллиги натижасида, ҳукуматлар томонидан кўрилатган карантин чора-тадбирлари мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар миқдорини минимум даражагача камайтиришга олиб келди.

2020 йилнинг май-июнь ойлари Бухоро вилоятида жойлашган “етти пир зиёратгоҳлари”да ўтказган танланма кузатувларимиз ташриф буюрадиган туристлар таркибида хорижий туристларнинг йўқлиги ҳамда маҳаллий туристлар олдинги йилларда ташриф буюрган туристларнинг атиги 10 фоизини ташкил қилаётганини аниқладик. Албатта бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, 2021 йилда иқтисодиётнинг ва туризмнинг яна аввалгидек жадал ривожланишини башорат қилишимиз мумкин.

Алишер Джураев, БухДУ магистратура талабаси

Иқтисодий ўсишни кўп омилли моделлар асосида прогнозлаш

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омилли иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишидир.